

**“Ипотека-банк” АТИБ  
Бошқаруви йиғилишининг  
464 сонли баёни**

Тошкент ш.

19.12.2022

**Раислик қилди:**

**Э.Иномжонов**

**“Ипотека-банк” АТИБ**

**Бошқаруви Раиси**

Бошқарув аъзолари:

**Қатнашдилар:**

**Ф.Ботиров, Д.Зулфукаров,  
М.Абдурахманов, Ж.Фаязов,  
Э.Норметов, Х.Муродов,**

**Таклиф этилганлар:** Ф.Иноятов, М.Хакимов, Р.Умаров , О.Перекопская, М.Саттаров, А.Аликулов, М.Мирсаидов,

**Йиғилиш котиби:** Б.Ушбаев

**Йиғилиш кворуми:** 100 %

**Кун тартиби:**

**“Ипотека-банк” АТИБ филиаллари тасарруфида янги банк хизматлари марказларини ташкил этиш, бошқа манзилга қўчириш ҳамда самарасиз фаолият олиб бораётган банк хизматлари марказларини тугатиш тўғрисида**

*(Иномжонов, Хакимов, Иноятов, Иномжонов)*

Кун тартибига киритилган масала юзасидан Филиаллар тармоғи департаменти директори М.Ҳакимов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартағи "Банк хизматларининг оммаболлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3620-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Ипотека-банк" АТИБ тизимида ахолига қулай жойлашган биноларда янги банк хизматлари марказларини ташкил этиш, қўчириш ҳамда самарасиз фаолият олиб бораётган банк хизматлари марказларининг фаолиятини тугатиш бўйича ахбороти тингланди.

Жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига банк филиаллари тасарруфида 126 та банк хизматлари марказлари ва 2 та минибанклар мавжуд бўлиб, банк хизматлари марказлари ва минибанклар томонидан ахолига сифатли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Филиаллар томонидан банк хизматлари марказларини ахолига қулай жойлашган биноларга қўчириш, янги банк хизматлари марказларини ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш бўйича мурожаатлар келиб тушган.

Филиаллар томонидан келиб тушган мурожаатларга асосан:

- Ангрен филиали тасарруфидаги янги "**Афсона**" универсал банк хизматлари марказини Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Кимёгар МФЙ, 5/3 даҳа, Оҳонгарон кўчасида жойлашган бинонинг 1-қаватида ташкил этиш;

- Фарғона вилоят филиали тасарруфидаги "**Марғилон**" банк хизматлари марказини Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси 77А-йи манзилига қўчириш;

- Сирдарё вилоят филиалининг "**Сирдарё**" банк хизматлари маркази самарасиз фаолият

олиб бораётганлиги сабабли, банк хизматлари маркази фаолиятини тугатиш масаласи кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалани мухокама қилиб,

### **БОШҚАРУВ ҖАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Кун тартибидаги масала бўйича Кичик бизнес ва чакана хизматлар блоки раҳбари Ф.Иноятов ва Филиаллар тармоғи департаменти директори М.Ҳакимовларнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ Ангрен филиали таркибида янги "Афсона" универсал банк хизматлари маркази ташкил этилсин.

3. Мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ Фарғона вилоят филиали тасарруфидаги "Марғилон" банк хизматлари маркази бошқа манзилга кўчирилсин.

4. Мазкур қарорнинг 3-иловасига мувофиқ самарасиз фаолият олиб бораётган банк хизматлари марказининг фаолияти тугатилсин ҳамда штат бирликлари банк хизматлари маркази таркибиغا ўтказилсин.

5. Ангрен филиали тасарруфида янги ташкил этилаётган "Афсона" банк хизматлари маркази штат бирликлари 6 (олти) та янги штат бирлиги очиш орқали ва Фарғона вилоят филиали тасарруфидаги "Марғилон" банк хизматлари маркази штат бирликлари 6 (олти) та ички имкониятдан келиб чиқсан ҳолда бутлансин ҳамда 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Банк филиаллари бошқарувчилари зиммаларига:

- банк Бошқарувининг 2020 йил 29 августдаги 220/1-сонли қарори билан тасдиқланган ""Ипотека-банк" АТИБ тизимида Банк хизматлари марказлари фаолияти тўғрисида"ти Низомда кўрсатиб ўтилган банк хизматлари марказларининг янги моделига асосан бэк-офис иш жараёнларини филиалда марказлашган ҳолда фаолият юритишини таъминлаш;

- янги ташкил этилган, бошқа манзилга кўчирилган ва фаолияти тугатилган банк хизматлари марказлари тўғрисида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига 10 кун муддат ичida ёзма равищда маълумот тақдим этиш ва Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасидан банк хизматлари маркази иш фаолияти тўғрисида тегишли хулоса олиш ҳамда хулоса олгандан сўнг БХМ иш фаолиятини бошлаш;

- фаолияти тугатилган банк хизматлари марказларига тегишли бўлган асосий воситаларни (компьютер техникалари, мебель жиҳозлари ва бошқа барча асосий воситалар) банк филиалига тўлиқ қайтариш ҳамда кўчмас мулк эгалари ва кўриқлаш хизмати билан тузилган шартномаларни бекор қилиш;

- мазкур қарорнинг 1 ва 2 иловаларида кўрсатилган манзиллардаги кўчмас мулк эгалари билан камида 3 йиллик ижара шартномалари Бош амалиёт бошқармаси билан тузилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

7. Янги ташкил этилган ва бошқа манзилга кўчирилган БХМ раҳбарлари зиммаларига 6 (олти) ой муддат ичida банк хизматлари марказини рентабеллик даражасини ҳамда соф фойда кўрсаткичларини ошириш вазифалари юклатилсин. Ушбу муддат ичida рентабеллик даражасини ҳамда соф фойда кўрсаткичларини ошиrolмаган банк хизматлари маркази штатлар жадвалида тўлиқ таркибий ўзгаришлар амалга оширилсин.

8. Ходимларни бошқариш департаменти (Перекопская) зиммасига штат бирликлари

ташкил этилишида ва ўзгартирилишида Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси талабларига риоя этилиши юзасидан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

9. Ахборот ва банк бренд хизмати (Пўлатов) янги такшил этилган ва бошқа манзилга кўчирилган банк хизматлари марказларида, реклама баннерлари (стелла, логотип, номи туширилган пештахта) ва стендлар дизайнини банк "Branch book"ига асосан ўрнатиш чораларини кўрсинг.

10. Операциялар департаменти (Саттаров) зиммасига Ангрен филиали қошидаги "Афсона" банк хизматлари маркази таркибида №16-сонли ва Фаргона вилоят филиали қошидаги "Марғилон" банк хизматлари маркази таркибида №32-сонли чакана амалиётлар кассаси ташкил этиш ҳамда ходимлар иш фаолиятида фойдаланадиган дастурларга (ВАШ, ХПУ ва ҳ.к.) логинлар очиш вазифаси юклатилсин.

11. Пластик карталар департаменти (Умаров) банк хизматлари марказларида банкоматлар, пластик карталар ва терминаллар мунтазам ишланини таъминласин.

12. Информацион технологиялар департаменти (Алиқулов), Ишлар бошқармаси (Холматов), Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти (Мирсаидов) ва Филиаллар тармоғи департаменти (Ҳакимов)ларга банк хизматлари марказларида дастурий таъминотларнинг ўрнатилиши ва ишга туширилиши, компьютер курилмалари, зарур таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини (локал ҳисоблаш тармоғи, видеокузатув, қўриқлаш, ёнғиндан огоҳ этиш, зарур мебеллар ва техникалар) Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни талаблари асосида амалга оширишга руҳсат берилсин.

13. Ижара шартномаларини расмийлаштиришда, бино билан боғлиқ барча коммунал ва бошқа харажатлар (электр энергияси, иссиқ сув, иситиш, табиий газ, чиқинди, совук сув ва ҳ.к.) ижара тўлови таркибида кўзда тутилиши ҳамда ижарага берувчи томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш Филиаллар тармоғи департаменти директори М.Ҳакимовга, назорат қилиш Кичик бизнес ва чакана хизматлар блоки раҳбари Ф.Иноятов ва Башқарув Раисининг биринчи ўринбосари Ф.Ботировлар зиммасига юклатилсин.

Башқарув Раиси

Э.Иномжонов

Башқарув аъзолари:

Ф.Ботиров

Д.Зулфукаров

М.Абдурахманов

Ж.Фаязов



Э.Норметов



Х.Муродов



Йиғилиш котиби:

Б.Ушбаев



Таклиф этилган:

Ф.Иноятов



М.Хакимов



Р.Умаров



О.Перекопская



М.Саттаров



А.Аликулов



М.Мирсаидов

